



“Тасдиқлайман”

Тошкент шаҳар ҳокимияти

“ЯБХ” ИК директори в.б.

Комиссия раиси

С.Ш. Орипов

12.07.2021й.

Тошкент шаҳар

**“Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Себзор кўчасини Динамо спорт дўкони жойлашган қисмида ер усти пиёдалар ўтиш йўлагини қуриш” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг 164-сонли баённомаси**

Соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта таълим мактаблари, колледж ва бошқа турдаги объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги “ЯБХ” ИК томонидан 2020 йил 10 ноябрдаги 180-сонли буйруғи билан комиссия ташкил этилган.

Танлов Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги 472-сонли Қонунига ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 29-мартдаги 346-сонли Қарорига асосан ўтказилмоқда. Танлов асосида харид қилиш умумий қиймати бир шартнома учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баробаридан олти минг баробаригача ташкил этади.

*Биржага эълон берилган сана: 29.06.2021 дан 09.07.2021 гача;*

*ЛОТ рақами: 7125770;*

*Бошланғич қиймат: 115 000 000 сўм.*

**Танлов комиссияси  
раиси ўринбосари**

-Бош муҳандис в.б. С. Сағдиев

**Комиссия аъзолари:**  
М. Бобошарипов

- БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи

Ҳамидов О.

-Лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник назорат қилиш бўлим бошлиғи

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)

Абдусатторов П.

- БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

Усмонов И.

- БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

## КУН ТАРТИБИ

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 29-мартдаги 346-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги “ЯБХ” ИК томонидан “Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Себзор кўчасини Динамо спорт дўкони жойлашган қисмида ер усти пиёдалар ўтиш йўлагини куриш”, объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш мақсадида 2021 йил 29 июнь санасида dxarid.uzex.uz порталига эълон берилган.

Танловга қуйидаги ташкилотлар ҳужжатларини (paketлар) тақдим этдилар:

1. “AUTOBAHN-CONSULTING” МЧЖ
2. “TECHNO ART SERVIS” МЧЖ
3. “ALLEGRO DEVELOP PROJECT” МЧЖ

Тақдим этилган ҳужжатлар (paketлар) комиссия аъзолари иштирокида 2021 йил 12 июль куни очилди. Қуйидаги ташкилотларнинг ҳужжатлари (paketлар) қўйилган талабларга мос келиши ва ҳужжатлар тўлиқлиги инобатга олиб, таклиф нархлари кўриб чиқилди:


1. “AUTOBAHN-CONSULTING” МЧЖ таклиф қиймати 104 650 000 сўм ҚҚС билан, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддати 30 кун;
2. “TECHNO ART SERVIS” МЧЖ таклиф қиймати 102 350 000 сўм ҚҚС билан, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддати 30 кун;
3. “ALLEGRO DEVELOP PROJECT” МЧЖ таклиф қиймати 103 500 000 сўм ҚҚС билан, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддати 30 кун;


Лойиҳа-смета ишлаб чиқиш муддати ва қийматини шунингдек тақдим қилинган ҳужжатларнинг сифат ва ишончилиги ўрганилиб комиссия аъзолари фикр алмашган ҳолда:


### ҚАРОР ҚИЛДИ:


“Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Себзор кўчасини Динамо спорт дўкони жойлашган қисмида ер усти пиёдалар ўтиш йўлагини куриш”, объекти бўйича таклиф қиймати 102 350 000 сўм ҚҚС билан, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддати 30 кун бажариш шarti билан “TECHNO ART SERVIS” МЧЖ лойиҳа ташкилоти қолиб деб топилсин.


БРБЛ ва ТХРОТ бўлими танловда қолиб деб топилган лойиҳа ташкилотига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун буюртма хати юборсин ва шартнома расмийлаштирсин.

  
С. Сағдиев

  
М. Бобошарипов

  
О. Хамидов

  
П. Абдусатторов

  
И. Усмонов